

Ота-она ҳамда болаларнинг алимент ҳуқуқи ва мажбуриятлари
Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 96-моддасига кўра ота-она вояга
етмаган болаларига таъминот бериши шарт.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равища
бажармаган ота-онадан суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига асосан
алимент ундирилади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув
бўлмаганда ёки алимент ихтиёрий равища тўланмаганда ва ота-онадан
бирортаси ҳам алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан
мурожаат қилмаган ҳолларда, васийлик ва ҳомийлик органлари, шунингдек ўн
тўрт ёшга тўлган бола вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан
қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга
ҳақлидир.

Ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш
тартибини ўзаро келишган ҳолда белгилашга ҳақлидирлар.

Вояга етмаган болаларига таъминот бериш учун алимент тўлаш тартиби ва
шакли ҳақида ота-она ўртасидаги келишув қонунда белгиланган қоидаларга ва
боланинг манфаатларига зид бўлмаслиги керак.

Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида
келишув бўлмаса, уларнинг таъминоти учун алимент суд томонидан ота-онанинг
ҳар ойдаги иш ҳақи ва (ёки) бошқа даромадининг бир бола учун — тўртдан бир
қисми; икки бола учун — учдан бир қисми; уч ва ундан ортиқ бола учун — ярмиси
миқдорида ундирилади. Бу тўловларнинг миқдори тарафларнинг моддий ёки
оиласиий аҳволини ва бошқа эътиборга лойиқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд
томонидан камайтирилиши ёки кўпайтирилиши мумкин.

Ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонунчилик билан
белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 26,5 фоизидан кам
бўлмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 109-моддасига кўра вояга етган,
меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига
таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт.

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга
етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида ғамхўрлик қилиш ва уларга
моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қilmайди.

Иброҳимжон Турсунов

Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси

2023-07-31 16:49:56